

37 (983)-сон

15 — 21 сентябрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

## УМИД БИЛАН ЯШАГАН МОМО



2



3

## КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ ЙЎҚ



4

## УВОЛ ВА ЗАВОЛ



8

## КЎНГИЛ КЎЧИРМАЛАРИ



— Ўзи эккан дараклар мевасидан татиб кўриш ҳар кимга ҳам насиб этсин, — дейди Қарши туманидаги Кўчкай қишлоғилик Ўроқ бобо фахрга тўлиб.

Собир НАРЗИЕВ сурат-лавҳаси

## РИШОД — БИРИНЧИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Куни кеча Япония пойтахти Токио шаҳридан хушxabар келди: кунчиқар юртда дзюдо бўйича ниҳоясига етган XXVII жаҳон чемпионатида 60 килограмм вазни полвонлар баҳсида гиламга чиққан Пекин Олимпиадаси бронза медали совриндори Ришод Собиров жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Бухоролик машҳур Ҳазратқул полвоннинг чевараси, Бухоро дзюдо мактабининг вакили, қатор нуфузли турнир ва мусобақаларда голиблик нашидасини суриб келаётган юртдошимиз Японияда ўтказилган чемпионатда болгариялик Янислав Герчев, Жанубий корейлик Жанг Жин Мин, яманлик Али Хусрав, италиялик Элио Верде, россиялик Беслан Мудранов ва ниҳоят, финал беллашувида украиналик таникли полвон Георгий Зантарияларни енгиб, ана шундай шарафли номга сазовор бўлди.

Энг қувончлиси, Ришод спортнинг энг оммавий тури саналган дзюдо бўйича ўзбекистонлик биринчи жаҳон чемпиони сифатида тарих зарваракларидан жой олди.



## “ОБУНА — 2011”

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!

Шу йилнинг 1 сентябридан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?



**ИНДЕКС:** Якка обуначиларга — 176,  
Ташкилотларга — 177

106 ёшли Умида момо Ҳисор томондан келаётган майин шабадага юз тутиб, жилмайиб кўйди. Эвараси эса момонинг юзида жилмайганда пайдо бўладиган қат-қат «из»ларни санамоқчи бўлди. Аммо адашиб кетаверди. Ахир адашмай бўларканми? Бир-бири билан тутшиб кетган бу чизикларда бир асрлик йўллар бор. Эҳ-ҳе, бу излар нималар ҳақида ҳикоя қилмайди, дейсиз. Момо умр йўлларида қувонччи ҳам кўрди, қайғуни ҳам. 66 йилдан буюн эса ҳижрон юки елкасини тоғдай босиб ётибди. Кейин яна бошқа айриликлар...

Момонинг турмуш ўртоғи Ибодулло Курбонов иккинчи жаҳон урушига кетганича қайтиб келмади. 1944 йилнинг 22 апрелида Григорий Польша шариининг шимоли-ғарбий қисмидаги қардошлик қабристонига дафн этилди. Икки ўғли Неъмат ва Вайдуллолар отадан ёдгорлик бўлиб қолишди. Шу-шу Умида момо ҳам ота бўлди, ҳам она. Болаларини оқ ювиб, оқ таради. Уйлантирди. Бугунги кунда 13 набираси, 50 эвараси ва 4 нафар чевараси бор.

Умида момо аламини меҳнатдан олди. Кўлига ўроқ олса борми, олтиндай товланаётган бугдой ва арпалар бир зумда бошини ерга қўйди. Унинг кўз илгамас чакқон ҳаракатидан эркаклар ҳам ҳайратга тушди. Бошқалар бир қоп пахта терганида у икки қопни тўлдириб қўйди. Далаларни бир зумда чопиқ қилар, чопилган ернинг чуқурлиги ўлчанганида Умида момонинг иши ҳамманикидан сифатли чиқарди.

Аммо Умида момони эл орасида танитган касби пиллакор-

лиги бўлди. 40 йилдан зиёд ипақ курти парваришлади. Эҳтимол, Умида момо топширган пиллалардан тайёрланган ипақлар улаб чиқилса, Магрибдан Машриққа етармиди.

риқ одам тирикчилигини қилади-да. Неъмат ака ўлими олди-дан тўнғич ўғли Абдухалилга вазият қилганди: «Катта энангини сенга топшириб кетяпман. Кўнглига озор етказма».

Ёз келди дегунча ўрик остидаги сўри Умида момонинг масканига айланади. Тез-тез ўғли Вайдулло хабар олиб туради.

# УМИД БИЛАН ЯШАГАН МОМО



Умида момонинг армони ўғли Неъмат аканинг ўлими бўлди. Унга «Куйинманг, ортидан етти фарзанди қолди», — дегувчилар топилди. Аммо ёнмай бўларканми? Фарзанд доғи юрагини тешиб кетди. Кунда минг ўлиб яшади, яшапти. Лекин ти-

Шу-шу Умида момо набираси Абдухалил билан ашай бошлади. Набира келини Фароғатхон эса момонинг атрофида гирдиқалак. Бамисоли фарзандга айланди. Уларнинг муносабатларини кўрган киши она-бола деб ўйлайди...

Кўни-қўшнилар, набиралар оёқларини узишмайди. Келини Рухсат ая бирор кун кўринмаса борми, соғиниб қолади. Чақиртириб юборади.

Момонинг ўзи ҳам бўш ўтиргиси келмайди. Абдухалил этикдўз, Фароғатхон эса кутубхоначи. Улар ишга кетган, Умида момо товукларга дон сочади. Сиғири олдига бир боғ хашак ташлаб қўйишни ҳам унутмайди. Ҳар йили сўрининг, ёнида ўзи райхон экиб, парвариш қилади.

Аслида, Абдухалилнинг фарзандлари улғайиб момога иш ҳам қолмади. Лекин барибир чидаб туrolмайди. Оллоҳга шукрки, куч-қуввати жойида. Ўзининг суягини ўзи кўтариб юради. Умида кўзойнак тақиб кўрмаган. Ҳозир ҳам тикиши қилгудай бўлса, ипни игнадан ўзи ўтказди. Индашмаса қўлбола дастгоҳ ёнида ўтириб, гилам тўқишдан ҳам қайтмайди. Фароғатхоннинг айтишича, момо кўйнинг жунини йигириб тўқиган араби гиламлари ҳар набирасининг уйида тўшалган. Шу пайтага қадар гилам сотиб олишмаган. Набираларидан

тортиб чевараларигача бешикка ўзи солган. Суягини қотириб берган.

Умида момонинг набиралари билан суҳбати ҳар гал насиҳатдан бошланади: «Болагимам, сенинг замонинг келди, яхши илм ол, катта жойларда ўқи. Хунар ўрган. Ана шунда хор бўлмайсан».

Дарвоқе, момонинг набиралари орасида бекорчиси йўқ, Абдухалилнинг катта кизи турмушга чиқиб кетган. Иккинчиси олий маълумотли ўқитувчи, учинчи кизи институтда ўқийди. Ўғли коллеж талабаси. Ҳар бири илмига интилиб яшапти.

Хуллас, Умида момо Холмуродова Китоб туманидаги Машъал кишлоғида ана шундай ҳаёт кечиряпти. Тилидан шукр сўзи тушмайди. Ахир, у очарчиликни ҳам, қаҳатчиликни ҳам кўрди. Тут пишғини кутиб, кўзлари тўрт бўлди.

Бугун эса... Ҳур замонда яшапти. Ҳар кимнинг охирини берсин, дейдилар. Умида момонинг эса бахти бутун, икболи баланд экан. Ота-боболари орзу қилиб етолмаган кунларни, давронларни кўрмоқ насиб этди. Юз билан юзлашди. Энг қувончлиси, Истиклолнинг 19 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан «Шухрат» медали билан тақдирланди. Бу хушxabарни эшитиб, момо кўлларини дуога очди: «Илоё, мустақиллигимиз абадий, эл дастурхони эса ҳамимиша тўкин бўлсин».

Лола ЎРОҚОВА, Қашқадарё вилояти.

Ҳаётхон Раҳимова ўқитувчилик касбини эгаллаб, илк бор 16-умумтаълим мактабида бошланғич синфларга сабоқ бера бошлагандан оқ келажимиз ворислари бўлган ёшлар билан ишлаш борасида катта тажриба зарурлигини англаб етганди.

Янгиликка интилишлари сабаб мактабда «Кизлар клуби» ташкил этди ва ўқувчилар иштирокида дарсдан ташқари турли тадбирлар ўтказилиб турилиши учун кенг имкониятлар яратди.

Ҳаётхон замон билан ҳамнафас муаллима. Унинг савобга йўғрилган ишлари талайгина. Соат сайин янгиликлар юз очётган жамиятимизда тадбиркор сифа-

## ҲАЁТХОННИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

тида яхши ният билан 2002 йили ўзи истиқомат қилаётган маҳалла қошида «Муборакбону» ўқув курсини ташкил этганди. Бу курсларда қизларнинг кизиқликлари инobatга олинган ҳолда тикувчилик, пазандалик йўналишида таҳсил берилга бошланди.

Бировга беғараз ёрдам кўрсатиш, кўмакка муҳтож инсонларнинг илм олиб, касб-хунар ўрганишига ҳам туртки бўлди.

— Аслида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ёрдам тариқасида ушбу курсни очдим, уларни бепул ўқитишни йўлга қўйдим, — дейди Ҳаётхон. — Мақсадим — улар ҳам ўзларини жамиятдан ташқарида ҳис этмасин.

Ҳаётхон қизларни хунарга ўргатибди-на қолмай, турмуш, рўзгор ҳақида, ҳаётда учрайдиган қийинчиликлар, уларни сабот, ирода ва сабр билан ёнгиш, рўзгорнинг камини тўлдириш учун, албатта, бирор хунарнинг эгаси бўлиш кераклиги, қайнона, қайнота, қайин-бўйинларга қандай муомала қилиш маданияти ҳақида ҳам суҳбатлар олиб боришдан чарчамайди.

Бўлғуси бекаларга дастурхон кўрки бўлган ўзбекона патир, сомсалар, тор-

### ХУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

лар, салатлар тайёрлашни ўргатади. Озгина масаллиқдан ҳам яхши пишириқлар тайёрлашни, иложи бўлса «йўқдан бор» қилиш йўли билан ширин таомлар тайёрлаш усулларини машғулот давомида тайёрлаб кўрсатади. Қизларнинг ўз кўллари билан тайёрлаган хар хил ширинликлари, пишириқларини Меҳрибонлик уйларида тортиқ этиб туради. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан маҳалладаги кам таъминлан-

ган оилаларни ҳам қизлар курсида пиширилган турли хил ширинликлар, патир, сомсалар билан йўқлаб туришни канда қилмайди.

Шу кунга қадар ташкил этган «Ҳаётхон» ўқув курсида ўқиб, бирор хунарни эгасига айланган қиз-жувонлар икки минг нафарни ташкил қилади. Уларнинг айримлари яқка тадбиркор сифатида иш юритиб, рўзгорларига барака кирмоқда, оила бюджетига ҳисса қўшмоқда.

Ҳаётхоннинг амалга ошириши кўзлаётган режалари, дилига тугиб қўйган эзгу ниятлари бир олам. Унинг орзуси фаолият доирасини янада кенгайтириб, ёшларни оила кўргандан кейин асқотадиган хунарлардан ҳам бохабар қилиш. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган қизларни ўқитиш, уларнинг ҳам хунарни бўлишида ёрдам бериш.

Ҳа, савобнинг катта-кичиги бўлмайди. Шу боис Ҳаётхон Раҳимованинг эзгуликка йўғрилган хайрли юмушлари бисёр. Зеро, савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак, деганларни шу-да.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА, «Оила ва жамият» муҳбири. Андижон вилояти

## 2010 — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ



Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами арафасида Навоий вилоятидаги Хатирчи туманида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида қирқдан зиёд мактаб, ўндан ортиқ мактабгача тарбия муассасалари тўла таъмирланиб ишга туширилди. Айниқса, ана шу таълим-тарбия масканларида таҳсил кўраётган ва тарбияланаётган ёш авлод вакиллари учун замонавий суратда жиҳозланган қўшимча спорт заллари, майдончалари куриб берилганлиги эътиборга моликдир.

Тумандаги Хумор кишлоғи худудига қарашли Чорғўша маҳалласида жойлашган 43-сонли мактабнинг 250 нафар ўқувчиси янги ўқув йилини ажойиб кўринишга эга бўлган замонавий илм даргоҳида бошлашди. Шунингдек, 33-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари учун ҳам ҳам ўзига хос туҳфа тайёрланди. Мамлакатимиз ўқувчи-ёшлари орасида ўтказилаётган қатор кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб келаётган жамоа аъзолари ҳам бутунлай янгича қиёфага эга бўлган илм масканида ўқишмоқда.

СУРАТДА: Хатирчи туманидаги 33-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг «Турон гўнчалари» фольклор-этнографик жамоаси.

Турдикул НОРМАТОВ, «Оила ва жамият» муҳбири.

Бир танишимизни туғилган кунда кутлагани бордик. Меҳмонлар учун чиройли дастурхон тузатилган, нозу неъматларни қўйишга жой етмайди. Бир пайт эшик кўнги-роғи чалиниб, уйга мезбоннинг ўн бир — ўн икки ёшларга етган ўғли кириб келди. У бизлар билан саломлашди-да, шошилиб хонасига кириб кетди.

— Ўғлингиз кап-катта йигит бўлиб қолибди-ку, — дедик суюниб унинг узун бўйларига қараб.

— Бўйи узун бўлгани билан акли қалта. Бу болага қандай тарбия беришни ҳам билмай қолдим, — нолиб кетди онаси. — Мактабдан келиши биланоқ телевизор тагига миҳланади. Ундан кейин, компьютерга чопади. На дарс тайёрлаб бўлади, на қўлига китоб ушлаб. Гап уқтирсам, яхши эшитмайдими-ей, хаёл суриб, меровчани тугаверади. Она-бола ҳечам келишолмаямиз.

— Ўзингиз кун бўйи уйдасиз-ку, газета-журнал ёки китоб ўқиб турсизми? — сўрайман секин ўзидан.

— Китоб ўқишга вақт қаёқда дейсиз. Эрталабдан сериаллар бошланади. Бирни тугаса, иккинчиси... Орасида реклама қўйилганида уй юмушларини шошиб-пишиб бажариб оламан. Кундузи кўриб олмасам, кечкурун телевизор менга тегмайди. Дада-си ишдан кела солиб, футболга улаб олади.

— Болаларингизга китоблар совға қилиб турсизми?

— Нархи қақади-да. Ундан кўра...

Нима деб жавоб берганини айтсам, на қулишни биласиз, на қулишни. Тасаввур қияласизми, она бекорчи, кун бўйи сериал кутади. Ота ишдан кела солиб футбол кўради. Бу оилада ўсаётган болалар қандай қилиб китобга меҳр қўйсин?! Дарвоқе, «Болангизга нега китоб олиб бермайсиз?» деган саволга айримлар «Китобларнинг баҳоси сал қимматроқми-ей?», деган мужмалроқ жавобни ҳам беришади. Хўш, бундай фикр-мулоҳазалар қай даражада тўғри, ёки?..

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида жойлашган китоб расталарини кузатамиз. Бу жой йилнинг тўрт фаслида ҳам гавжум. Харидору сотувчилар билан суҳбатлашамиз. Бизнинг «Одамлар китоб сотиб олаётганда кўпроқ нималарга эътибор беришади?» деган саволимизга сотувчи Элмурад Абдурахимов шундай дейди:

— Айримлар китобнинг нар-

хига қараб харид қилса, баъзилари кўпчилик ўқийдиган, яъни урф бўлган китобларни сотиб олади. Масалан, ота-оналарнинг кўпчилиги сўрайдиган китоблардан Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асари 4 минг сўм, Жонатан Свифтнинг «Гулвернинг саёҳатлари» аса-

учратдик. Бунинг боиси нимада экан? Уларнинг вақти шунчалик тизими? Йўқ, йўқ, опа-сингилларимиз рўзгордан ортган вақтларини... яшириб ўтирмайлик, кўпроқ «Гўзаллик салон»ларида ўтказишлари ёлғонми? Бу масаланинг бир жиҳати.

Фарида Маметбаева, аёл-

фикр ҳақида қачон бош қотира-миз? Ана, радио, телевизор, компьютер бор, қолаверса, мактабда устозларидан билиб олар деб ўзимизни юпатишдан тийилиш вақти келмадимми?

Нилуфар Болтабоева, ўқитувчи:

# КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ ЙЎҚ

## деймиз-у, лекин ўзимиз фарзандларимизга қачон ибрат бўламиз?

ри ҳам 4 минг сўм, «Балиқчи ва балиқ эртаги», «Айёр тулки ва ақли ўрдакча» китоблари 1500 сўм бўлса, болаларимизни ҳатто 500-800 сўм эвазига ҳам чиройли китоблар билан хурсанд қилиш мумкин.

Китоб расталарини айланиб юриб, бир ота-хоннинг сотувчидан: «Қизим, манави рўйхатда ёзилган китоблар борми? Набирам тайинлаганди», деганини эшитиб қолдик. Ўзини Шавкат ака Носиров деб таништирган киши Мирзо Улуғбек туманида яшаркан.

— Набирам Нигина 7-синфда ўқийди. Ҳар ой нафақамни олган куним шу ерга келиб унга китоб олиб кетаман, — дейди Шавкат ака. — Уйимда бир хоначи кутубхона учун ажратганман. У ердаги китобларни болалигимдан йиғиб келаман. Ҳозир ҳам мустақил китоб-газета ўқийман. Чунки набираларим жуда бийрон. Хоҳлаган пайти тарих, география, табиятдан савол бериб қолади-да...

**Акмал Раҳимов, ҳайдовчи:** — Уч фарзандим бор. Эртага ўртанча ўғлим Бахтиёржоннинг туғилган кун. Ўн икки ёшга тўлади. Ҳар доим болаларимнинг туғилган кунига китоб совға қиламан. Бу ердаги китоблар унчалик қиммат эмас. Ҳар қалай, аёлларимизнинг бир марталик соч бўёгига кетадиган пулига уч-тўртта китоб сотиб ола бўлади...

Дарвоқе, биз негадир китоб дўконлари олдига аёлларни кам



**лар сартороси:**

— Ҳозир аёллар орасида сочини текис сариқ рангга бўяш урф бўлган. Бир тутам сочга бўёқ суртиш 1500–2000 сўмдан. Бир бошга камида 30–35 дона суртилади. Бу эса сочга шакл бериш (укладка) билан 50 мингга айланади. Аёллар бўёқларидан энг кўп фойдаланиладигани «Бриллиант» 16 минг сўм, «Эсел» 30 минг сўм, «Палет» 7 минг сўм туради. Бир аёлнинг сочини кесиб, бўяб, шакл бериш ўртача 19 мингга тушади...

Хўш, биз аёллар ҳар бир гап-гаштакка ёки тўй-базм кечаларига боришдан олдин «Сочимни тўғрилатишим керак» деган масала устида жиддий бош қотиришимиз ҳеч кимга сир эмас-ку! «Шунча пулни ўз гўзаллигим учун сарфлаганда боламнинг келажаги учун ҳеч бўлмаса бир дона яхши китоб сотиб олсам нима бўпти?», деган фойдали

— Ўтган йили ўқувчиларимга «Синфимизда мўъжазгина кутубхона ташкил қиламиз, ота-оналарингиздан сўраб китоб олиб келинглар» дедим. Ишонасизми, ўшанда фақатгина уч нафар бола бир-иккита китоб кўтариб келди...

\*\*\*

Хўш, фарзандларимизнинг китобга меҳр қўйишлари учун нима қилишимиз керак? Бу саволга жавоб топиш мақсадида пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Янгиқўрғон маҳалласи маслаҳатчиси Зубайра опа Назаровани суҳбатга чорладик.

— Бу масъулиятли вазифа истаймизми, йўқми, барибир кўпроқ биз — аёлларнинг зиммамизга юкланади. Чунки бола билан энг кўп оналар мулоқотда бўлади, — дейди Зубайра опа. — Рўзгорда шунча юмушлар туриб, китоб ўқишга вақт

### ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

етармиди, дегувчилар ҳам бор, албатта. Лекин ўқийман, замондан орта қолмайман деган одам ўз маънавияти, маърифатини ўстириш учун пул ҳам, вақт ҳам топади. Тўғри, айримларда китоб сотиб олишга имкон бўлмаслиги мумкин. Шу сабаб маҳалламизда бир хонани ажратиб, кутубхона ташкил этдик, мингдан ортик китоб йиғдик. Уларнинг кўпини туманимиз ҳокимлиги совға қилган. Ёшлар учун ҳам, кексалар учун ҳам мўлжалланган ўқув адабиётларимиз етарли. Маҳалламиз келинлари истаган пайти келиб, рўйхатга ёзилиб, олиб кетиб, ўқиб қайтаришади. Феруза Азимова, Дилором Пирматова, Феруза Норхўжаевалар энг фаол ўқувчиларимиздан саналади. Маҳалла фаоллари билан биргаликда маҳалламиз болалари ўртасида турли китобхонлик тадбирларини ҳам ўтказиб тураемиз. Тушунманам, бу ишимиз денгиздан бир томчи бўлса ҳам, лекин хайрли иш.

Ҳа, Зубайра опа Назарова таъкидлаганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жамият аъзоларининг, юртдошларимизнинг маънавий дунёсини юксалтириш, шу жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш борасида қатор савобли ишлар амалга оширилаётганлигини яна бир қарра эътироф этмоғимиз лозим. Қолаверса, республикамиз матбаачиларининг бой тажрибалари кейинги икки-уч йил орасида МДҲ мамлакатлари орасида эътироф этилаётганлиги, шунингдек, энг сўнгги замонавий техник ускуналар ёрдамида чоп этилаётган китобларимиз нуфузли муқофот ва совринларга лойиқ қўрилаётганлиги фикримиз далилидир. Бу эса биз — китобхонлар орасида ҳам ўзига хос фахру ифтихор уйғотиш билан бирга жиддий масъулият ҳиссини ҳам уйғотиши табиий. Чунки бизнинг халқ ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам маърифатга ошно эканлиги билан танилган, доврўқ қозонган. Шундай экан, биз ҳам ана шу юксак ишончга муносиб тарзда ўз фарзандларимиз қалбига китобга, демокати, маънавиятга меҳр-муҳаббат туйғулларини сингдирайлик. Аввал ўзимиз уларга бу борада шахсий ибрат кўрсата оلسак, намуна бўлсак-кина, болаларимиз ҳам изимиздан эргашади.

Нигора РАҲМОНОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.

## МАМЛАКАТИНГИЗДАГИ ТЎКИН ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

**Дамиано СЕРРА (Италия):**

— Ўзбекистонга биринчи келишим. Кўп жойда бўлганман, лекин ҳали ҳеч бир мамлакат мени Ўзбекистондек ўзига мафтун этмаган. Бу гўзал заминдаги тўкин ва осойишта ҳаётга ҳавасим келди. Тошкентдаги маҳобатли бинолар, мухташам иншоотлар халқингизнинг меъморлик санъати ва бунёдкорлик салоҳияти нечоғли юксак эканидан далolat бериб турибди. Айниқса, Темурийлар тарихи давлат музейидаги экспонатлардан катта таассурот олдим. Бундай қадимий тарих, бой ме-

лектуал салоҳиятга эга. Юртингизда уларнинг пухта билими олиши, касб эгаллаши, ҳар томонлама камол топиши учун барча зарур шароит мавжуд.

**Элиза МАУРЕР хоним (Бразилия):**

— Ўзбекистонга келишни кўпдан бери орзу қилардим. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўриш, унинг гўзал хиёбонларида сайр қилиш имконига эга бўлганимдан бахтиёрман. Бозорларда

гандим. Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзал мамлакатга айланганига гувоҳ бўлиб турибман. Меъмор бўлганим учун ҳар бир иншоотни диққат билан кузатаман. Янги бунёд этилган ҳашаматли бинолар пойтахтингиз салобатини янада оширибди. Халқингизга хос озодалик, саришталлик билан олиб борилаётган бу улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари Ўзбекистоннинг бунёдкорлик салоҳиятидан ёрқин далolatидир.

Мамлакатингизда қурилиш баробарида бошқа соҳаларда ҳам, айниқса, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, банк-молия, хизмат кўрсатиш сектори муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик халқроқ микёсда тобора кенг эътибор қозонмоқда.

Буюк Ипақ йўлининг энг муҳим йўналиши мамлакатингиз ҳудудидан ўтгани-

нинг ўзиёқ Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг бой тарихи ва порлоқ келажаги ҳақида яхши тасаввур беради. Бундан ташқари, Ўзбекистонда гўзал ва ноёб меъморий ёдгорликлар жуда кўп. Улар, шубҳасиз, бутун дунёда қизиқиш уйғотади.

**Моҳд ШАҲМИЙ (Малайзия):**

— Мамлакатингиз ноҳир қўлёзмаларга бой кутубхоналар, тарих, табиат, маданият ва санъат ҳақида ҳикоя қилувчи музейлари, маҳобатли мадраса ҳамда масжидлари билан сайёҳларни ҳайратга солмоқда.

Шифокор бўлганим учун Ўзбекистондаги шифо масканлари билан танишдим. Юртингизда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар таҳсинга сазовор.

Эл-юртингизга фаровонлик ва равақ тилайман.

ЎЗА муҳбирлари  
Нодира МАНЗУРОВА,  
Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.

### ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

бўлдим. Истаган нарсани топиш мумкин. Миллий ширинликлар, бир қанча хунармандлик бўюмлари ва миллий либослар харид қилдим. Ўзбек халқининг бой маданияти билан танишганимдан гоёат хурсандман.

**Арун КАРДИЛ (Ҳиндистон):**

— Юртингизга беш йил аввал ҳам кел-

Ўзбекистон ёшлари — юксак интел-

...Тоҳирнинг ҳаёти қутилмаганда алғов-далғов бўлиб кетди. Аввалига ҳаммаси рисоладагидек, яхши кетаётганди. Хотини поликлиникада ҳамшира, ўзи эса бир фирмада ишлар, турмушлари ҳам бинойидек эди. Икки фарзандига кўпларнинг ҳаваси келарди. Аммо кунларнинг бирида... Тинч-тотувгина яшаб келаётган оиланинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборгучи воқеа рўй берди.

Бу қутилмаган хушхабарни эшитгани заҳоти Тоҳир ҳамма ишларини қўйиб уйга югурди. Хотинини, болаларини хурсанд қилмоқчи бўлди. Суяночлаб келса, аёли Замира ҳовли ўртасидаги супада тикиш тикиб ўтирар, ундан бироз нарида дарахт соясига қўйиб берилган эски креслода унинг саксондан ошиб қолган отаси хаёл суриб ўтирарди. Лекин шу пайтда уни бу маҳзун манзара қизиқтирмас, аксинча, бу узок қутилган янгиликни эшитган заҳоти қанот боғлаб ўзича осмонларга учиб кетди.

Юраги ҳаприққан Тоҳир хотинининг ёнига бориб қолган овозда қичқирди:

— Суяночи бер, Замира, гринкарддан ютиб олдим! Ишонсанми, кутмаганим, манавини ҳақиқий омад деса бўлади.

Кувониб кетган хотини ҳам бўш келмасди:

— Айтмовдимми, дадаси, таваккал қилинг, ютасиз деб. Бахтимиз чопди. Тайёргарликни кўраверайми энди? Болалар ҳам эшитса роса суянадиган бўлди-да. Сизни-ку билмадим, лекин мен тасавур қилолмапман. У ёққа қандай кўнакар эканмиз-а?

— Эҳ, нимасини айтасан, зўр бўлади!

Шу чоғ чолнинг йўтали эшитилди. Эҳ-а, ахир уйда отасиям бор-ку хали. Кимга ташлаб кетамиз? Айни шу пайтда эр-хотиннинг хаёлига лоп этиб шу савол келиб қолди. Йўқ, йўқ, чолни ўйлаб эмас, аксинча, ўзларини ўйлаб... ташвишга тушдилар. Замира эрига шивирлади:

— Бугени ўйлабамиз-ку, хўжайин! Дадамлар... Нима қиламиз?..

Тоҳир ҳам чуқур уйга толди.

— Бир иложи топилар...

Иккиси ўзларича ўйланиб турган маҳалда дарахт остидан чолнинг хоргин овози эшитилди:

— Тоҳиржон, болам. Бери кел-чи... Ўғил бўлса истамайгина ўрнидан туриб, бир ниманинг илнжидида бораётгандай дадаси томон юрди:

У дадасининг олдига бориб:

— Нима дейсиз, дада? Шошиб турувдим, гапиринг – деб сўради

— Хеч нима?... – деб ингранди чол.

— Фақат менинг ёнимда бирозгина ўтирсанг дегандим...

Тоҳир ноилоҳ мажбурлаб чўқтирилган туядай дадасининг ёнига чўкди.

## ҲИКМАТ

*Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри таъбилашга боғлиқдир.*

Ж. ЛОКК

У шу кеча ўйлаб-ўйлаб, бир йўлини толгандай бўлди. Чин кўнгилдан йилгаси, сўқир кўздан ёш чиқар, деганларидек, Тоҳир эрталаб ўрнидан тургани заҳоти опаси Нафисанинг уйига қараб йўл олди. Темирни кўзигада босиши керак. Хайрият, опаси уйда экан. Тоҳир ўзига қуйилган чойдан бир хўллаб, секин гап бошлади. Унинг дийдиёсини эшитгач, Нафисанинг ҳафсаласи пир бўлди:

— Бўлмаса, нега менинг хорижга кетишимга мунча қаршилиқ қиласиз?

Нафиса бир зум ўйланиб турди-да, укасига юрагини ёрди:

— Тоҳиржон, ука, дадам сени қанчалар яхши кўришларини билсанми? Сенга қараганларида хира кўзлариям чақнаб кетишини сезсанми? Қанақа одамсан ўзи? Сенинг туғилишингни дадам билан ойим қанчалар интизорлик билан кутишганларини ўйлаётганми?



— Лекин шу ишинг нотўғри, ука. Янаям яхшилаб ўйлаб кўр. Кетишингга шахсан мен қаршман.

Тоҳирнинг эса бу пайтда кулогига ҳеч қандай панду насихатлар кирмас, бутун ўй-хаёли опасини чолни олиб қолишга кўндириш билан банд эди. Йўқса, ҳамма режалари барбод бўлади.

— Опажон, бу ҳам ҳар кимга насиб қилавермайдиган бахт куши. Қаранг, менга омад кулиб боқди. Бундай "шанс"ни кўлдан чиқармайин, хўп денг.

— Эҳ, укажон, кўзингни катарроқ оч, бундан ҳам каттароқ бойликдан айрилиб қолмасанг гўрғайди деб кўрқаман, — деб куйинди Нафиса.

Тоҳирга кўпни кўрган, зиёли опасининг насихати ёқмади, у энди ошқора иддаога ўтди:

— Очигини айтaverинг, у эмас-да, бу эмас, дадамни бир-икки йилга уйингизда қолишларини истамайяси, тўғрими?

Бу истехзо Нафиса учун ўтга сув ургандай бўлди:

— Нималар деяпсан? Мен ҳам фарзандиман-ку! Уйимизнинг тўри дадамники, тушундингми?

“Ўғлим” деганларида овозидаги меҳр ва титроқни илғамайсанми? Кексайиб, хорижан дадамга ҳар кунни сени бир кўриш қанчалар қувват эканлигини ҳис қиласанми ўзи?

Тоҳир ҳам барибир ўз билганидан қолмасликка уринарди:

— Опажон, илтимос, ёрдам беринг. Мен биласиз-ку, “грин карт” ютишини бир умр орзу қилганман. Етдим деганимда, бундай қилманг...

Қуруқ ёғочга қанча сув қуйма, у кўкармайди, аксинча, чирийди. Нафиса ҳам укасини йўлдан қайтаришга қурби етмаслигини сезгач, охири кўнди:

— Энди ўзинг биласан. У ёғи виждонингга ҳавола. Лекин унутма, дадам сени кўриб турмасалар адоий тамом бўлади. Сен нега бунчалар худбин бўлдинг-а?

Тоҳир ойласи билан сафарга жўнаб кетишдан олдин отасини Нафиса опасиникига олиб бориб қўйди. Шундаям кўзлари жавдираб ёш боладай нажот кутаётган отасининг меҳрини сезмади. Чолнинг лаблари пирпираб, қўллари титраб, ўзини жилмайиб тургандай кўрсатмоқчи бўлар, лекин бу жилмай-

## ТАҚДИР ҲИКИМАТИ

иш гоят аянчли кўринарди.

— Дада, сизга тез-тез телефон қилиб тураман. Сира хавотирланманг, бир-икки йилда келамиз, — деди Тоҳир совуққонлик билан хайрлашаркан.

Чол эса зўрға:

— Майли, болам, қаерда бўлсанг ҳам омон-эсон бўлгин, — дея қалтираб йиллаб қолди.

Шундан кейин у бола-чақаси билан олис бир ўлкага учиб кетди. Мусофир юртда бошидан кечирган воқеалар, кўргуликлар... У ёғи бошқа мавзу. Тўғри, борган пайтларида дастлаб уч-тўрт кунда дадаси билан телефонда гаплашиб турди. Кейин ўн беш кунда бир, сўнг ойда бир... Охири... Тобора унинг дийдаси қотиб бораверди. Хориждаги ҳаёт ва муносабатларнинг ўзи юрагингни қотириб ташлайди. Ойлар шу тариқа ўтаверди. Бир кунни опаси телефонда унга қаттиқ маломат қилди. Узоқлардан келаётган бу ҳасрат овози унча-мунча одамнинг белини букиб қўярди:

— Тоҳиржон, ука, ўзинг бир тананга ўйлаб кўр. Дадам сени соғиниб адо бўляпти. Ҳар кунни мунгайиб, йиллаб ўтиради. Қулоқлариям эшитмай қолди. Уларга ҳеч нарсанг керак эмас, ўзинг кераксан, тушунасанми, ўзинг! Бу ерда ҳеч ким сенинг ўрнингни босолмайди. Дадам онамдан айрилиб қолганларида ҳам бундай ҳолга тушмаганми, эшитясанми? Қариганларида бу қандай кўргулик бўлди? Ўйлаб кўр.

Шундан сўнг кўп ўтмай чол вафот этди. Опасининг айтишича, дадаси жон беришдан олдин бир мuddат эшикка мунгайиб қараб турибди-да, “Тоҳиржон, ўғлим...” дея кўзларига ёш олибди ва сўнг... бошини тескари ўгирибди, жимгина жон берибди.

Ана шундан кейин “жаннатий ҳаёт”ни орзу қилган Тоҳирнинг ишлари ўнланмади. Ўз-ўзидан ҳаммаси тескари кета бошлади. Ишидан ҳам, оиласидан ҳам путур кетди. Ҳа, у бойликни ҳам, мол-дунёни ҳам кўрди. Лекин қутилмаганда, бизнесдаги битта хатоси билан ҳаммаси шамолга совурилиб кетди. Катта пулга ўрганган ойласи қийинчиликларга бардош беролмади. Жанжал кўпайди. Ажралашди... Ўртада болалар овора бўлди. На давлати бор, на оиласи, на дўсту ёрлари, на...

Бу дунёга келиб топган бойлик-давлати дадаси эканлигини кеч англади. Юраги хасталанган фарзандни бир бе-ваво, аламли армон тинимсиз эзарди: “Мен отамни рози қилолмадим. У киши мендан хафа бўлиб кетганлар. Мени дадам меҳрининг уволи тутди. Энди қайга бош урай. Қайга?..”

Эшқобил ШУКУР

## ОИЛА УҚУВСИЗЛИК УҚУБАТИ

Кўшни қизни унаштиришганди. Бугун «кўрпа хашар» экан. Хуснияни ҳам чақириб кетишди. Борса, ҳамма кўшни аёллар шу ерда экан. Аллақачон кўрпа қашибини бошлаб юборишибди. Хусния нима қиларини билмай бир зум туриб қолди. У умрида қўлига игна ушламаган, ҳаётини тўғри чокни ҳам тиккан эмас. Унинг тикиш-чатиш ишларини ҳаммаша онаси қилиб келган. Энди эса оназори ҳам йўқ.

— Мен ишдаман, аммо кўрпалардан уйимга олиб чиқиб кетаман. Бўш вақтимда қавиб чиқазиб юбораман, — кўшни аёллардан бири пахта солиб тахлаб қўйилган кўрпачалардан бирини кучоғига олди.

— Мен ҳам шундай қилақолай, — Хусния ҳам навбатдаги кўрпачалардан иккитасини кўтарди. Унинг тикиш-бичишга эппи йўқлигини ҳеч ким билмас, аникроғи, шу пайтгача билдир-

май келган эди. Бугун ҳам нафсонияти устун келди. Мана, иккита кўрпачани кўтариб, уйига кириб келди. Энди нима қилади, бировга қавитадими, кимга? Маҳалла-қўйдагилардан биронотасига илтимос қилса-чи? «Айби» очилиб қолади-ку! У ишхонасидаги таниш аёлга кўнғирроқ қилди. Йўлнинг узоқлиги, вақтининг йўқлигини айтган аёл яхшигина нархни эшитгач, бирданига кўнақолди. Келиб бирпасда иккита кўрпачани қавиб ташлади. Унгача Хусния қозон осди, ош дамлади.

— Сиз ўтиратуринг, мен ҳозир, — дедию қавилган кўрпачаларни кўтара солиб кўшеникига чиқди. У ўз зиммасидаги «қарзи»-дан тезроқ қутулишни истарди.

— Вой-бў, бунинг чиройли қавилганини кўринглар, — кўрпачаларни ёзиб қараган аёллардан бири хайратини

яширолмади. — Текислигини, майдаллигини... Балосиз-эй, ҳеч сездирмайяси-а кўшни...

— Бирпасда иккита кўрпачани қавиб ташлаганларини айтмайяси, — уй эгаси ҳам қувониб мақтай кетди уни. — Барака топинг, сизинг ҳам яхши кунларингизда қайтарай...

Хусниянинг кўзларида “Мен шунақаман” деган гурур чақнади. Сўнг чақон аёлларга хос бир таразда: “Майли, мен бора қолай, ишим кўп эди”, дея ортыга бурилди.

— Хуснияжон, — уй эгаси унинг қўлларидан ушлаб силади, — Ишингиз менга жуда ёқди. Катта духоба кўрпани ҳеч кимга ишоналмай турувдим. Агар малол келмаса, шуниям бир ёқлик қилиб беринг, айланиб кетай сиздан...

Хусния нима деярини билмай қолди. Шунча олқиш, шунча мақтовлардан кейин, бунинг

устига уй эгаси мўлтиллаб турибди, қандай қўлини қайтарарди? “Нима бўлса бўлди” ўйлади у. Чевар аёл уйида-ку!

Кечқурун Хусниянинг уйида тўс-тўполон кўтарилди.

— Қачонгача билмаган ишларинг учун тўлов тўлаб юрасан? Билмаганингни билмайман, деб қўя қолмайсанми? Қарзини сўраб келган одамга пулни олиб чиқиб берсам, кам чикди. Неча қайта санаттирибман у бечорани. Дилини ҳам хира қилдим. Ўзи бошидаёқ, оқ қўйлаққа қора ил билан тўлма таққанингдаёқ изингга қайтариб юборишим керак экан... Қўшининг кўрпасини менинг пулимга қавиттириб берса... Бу қандай ношуд хотин бўлди-я?..

Хусния жимгина йўғлар, онаси ҳаётлигида ёнига кириб қўлидан игناسини олмагани энди унга жуда алам қиларди... Баҳор ХОЛБЕКОВА



Қадри Равшан ИБРОҲИМОВ!

Табаррук умрингизнинг олтишинчи бекатиға етганингиз қутлуг бўлсин. 60 ёш инсоннинг энг камолотта етган, тафаккури теранлашган даври саналади. Сиз салкам қирк йилдан бери аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишдек хайрли иш билан машғулсиз.

Ниятимиз, оилангиз, ёру дўстларингиз бахтига ҳаммаша омон бўлинг.

Хурмат ва эҳтиром ила дўстларингиз номидан

Шўҳрат Мусаев,  
Маҳкам Азаматов.

## «МОНАДА-АМОН»

МЧЖнинг неврология шифохонасида юқори технологияли тиббиёт аппаратуралари ёрдамида беморларга тўғри ташхис қўйилиб, самарали даволанилади.

Швейцарияда ишлаб чиқарилган «Swiss DolorClast» аппарати ёрдамида зарбали-тўлқинли терапия (ЗУВТ) ўтказилади. Бу даволаш усули остеохондроз, диск чурралари, сколиоз, остеоартроз, мушак ва пайларни тортиб оғриши каби касалликларда ўта самарали бўлиб, бўйин, елка, қўл, бел, оёқ бўғимларидаги қотиб қолган пайлар, тузаларни юмшатиб, сўрилиб кетишига, ўрнига янги тўқималар пайдо бўлишига замин яратди.

Шунингдек, компьютерлашган лазеротерапия аппаратида бир вақтнинг ўзида лазер нури билан лазеротерапия ва лазерли рефлексотерапия муолажалари мужассамлашган ҳолда олиб борилади.

Бундан ташқари, компьютерлашган аппаратда умуртқаларни чўзиш, ультрафонофарез, карипазин билан электрофарез муолажаси, нуктали укалал, нина санчиб даволаш ва бошқа физиотерапевтик муолажалар юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади.

Шифохонада уч ўлчамли УЗИ аппаратида ички аъзоларни УЗИ қилиш, юрак УЗИси, компьютерлашган ЭКГ, электромиография текширувлари, шунингдек, ҳамма лаборатория таҳлилларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Шифохонада ётиб ва қатнаб даволаниш учун барча шароитларга эга бўлган стационар мавжуд.

Тел.: (+99897) 119-32-10, (+99897) 338-35-15

Факс: 8 (371) 283-40-35

Электрон почта: monada-amon@mail.ru

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Норхўжаева кўчаси, 52-уй.

Мўлжал: Фаргона йўли кўчаси «Ўзбум» бекати.

## «ЎКТАМХОН-НУР»

ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйидаги ўқув курсларга таклиф этади:

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
- Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.
- Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёт билан).
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёт билан).
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой (амалиёт билан).
- Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).
- Сартарошлик — 3 ой (амалиёт билан).
- Тўй ва оқшом турмақлари ва макياج — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан).
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалий).
- Қаштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
- Тўқувчилик — 2 ой.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

Ўқишга қабул ҳар кун

■ Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд. Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзё, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (қундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.



Газетамизнинг беқободлик мухлислари — ота-бола Абдуқодир ака ва Абдужаббор САЛИМБОВЕ!

Сизларни тахририятимиз жамоаси ҳамда кўп сонли муштарийларимиз номидан муборак 63 ва навқирон 30 ёшга тўлишларингиз муносабати билан чин дилдан муборакбод этамиз.

«Oila va jamiyat» газетаси тахририяти.

Жондай азиз нуридийдамиз — набирамиз Жаҳонгир!

Таваллуд кунинг муборак бўлсин. Бува-бувижонларинг сулоласининг ишончли вориси, дадажонинг ва ойи-жонингнинг умид юлдузи бўлиб камолотга етишингни Оллоҳдан тилаб қоламиз. Назирахон ва Зойиржон ЖўРАЕВлар оиласи.



Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг Уй-жойни хусусийлаштириш ва давлат мулкни ижарага бериш маркази томонидан Ризаева Гулсара номига расмийлаштирилган 08-01/28628 сонли, 145527 рақам билан рўйхатга олинган Мулкни ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

## ✓ МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

### КИМГА ҲАВАС, КИМГА?..

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Эркак жинси сперматозоидлари миқдори кейинги йилларда кескин пасайиб кетаётди. Сифатини ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Соғлом эркак танасидаги маний даражаси ғ миллилитрда тахминан 40 миллионни ташкил этади. 20 миллион — энг куйи поғона. Ундан пасти эса бепуштлиқка хос. Лекин ора-мизда шундай эркаклар борки, уларнинг сперматозоидлари бир миллилитрда атиги бир нечтагинани ташкил қилади. Тасаввур қилиясизми, 40 миллион қаерда-ю, 5-6 та қаерда? Яқин-яқингача бу эркаклар фарзанд муаммосини бола асра олиш ёки донор-эркак уруғидан фойдаланиб ҳал этишга мажбур эдилар.

Ўрни келиб қолгани учун, мавзудан бир оз четлаб, донор эркак, сперма банки каби тушунчаларга изоҳ бериб ўтсам. Чунки бу масалалар ҳаммиша аҳоли, айниқса, мусулмонлар орасида турли мулоҳазаларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Кўплаб хорижий клиникалар соғлом эркаклар спермасини махсус шарт-шароитларни яратган ҳолда йиғиб борадилар. Буни сперма банки, деб атайдилар. Ўз уругини маълум бир ҳақ эвазига клиникага топширадиганларни эса донор-эркаклар деб юритилади. Сперма банкидаги манийдан эса фақат ва фақат эркак бепуштлигини даволашнинг ҳеч бир йўли қолмаган, бола асраб олишни эса истамаган жуфтлик — эр-хотиннинг танлови ва розилиғи билангина, сўнги чора сифатида фойдаланадилар. Уни қўллаш ҳуқуқи эса, шифокор эмас, эр



DOCTOR-D клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод ИРГАШЕВ

ва хотин ихтиёрида.

Албатта, жаҳон тиббиётида донор-эркак уруғидан фойдаланишнинг ўзига яраша таомиллари, қонун-қоидалари ишлаб чиқилган. Мисол учун, донор эркак ўз уруғидан қайси аёлни уруғлан-тиришда фойдаланганларини ҳеч қачон билмайди, у аёлни кўрмайди ҳам. Аёлга ҳам бу хусусда ҳеч қандай маълумот берилмайди. Бу жуда қатъий амал қилинадиган шартлардан биридир. Албатта, бевосита эмас, билвосита йўл билан бўлса-да, бегона эркак уруғидан фойдаланишни истайдиган жуфтликлар, айниқса, мусулмон оилаларида кам топилади. Замонавий репродуктология эса бунинг ҳам иложишни топиб, диний, руҳий, шахсий дунёқараши нуқтани назардан донор-эркак ҳақида эшитишни ҳам истамайдиганларнинг муаммосини ҳал этиб қўйди.

(Давоми келгуси сонда).

Бу борада бизнинг «DOCTOR-D» ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57). E-mail: hospital@doctord.uz. URL: http://www.doctord.uz


(t)

## Москвадаги Халқаро Абу Али ибн Сино академиясининг магистри табиб ХУРСАНД АЛИ

табобат хизматини таклиф этади:

- Ошқозон-ичак, ўт пуфати, қораталоқ касалликлари;
- Бепуштлиқ, жинсий аъзолар шамоллаши; буйрак ва тухумдон кисталари, простата беши шамоллаши;
- Буйракдаги тошларни тушириш;
- Гижжа, лямблялар ариб, теридаги оқ доғлар(ветелиго) ва ажинлар кетади;
- Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриғи, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;
- Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсульддан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
- Буқоқ касаллигининг ҳар қандай тури Шарқ табобати усулида гиёҳлар билан даволанади.

Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул (Бектемир) кўрғони. Телефон: (+99897) 156-57-31. Лицензия № 95 Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.



## ЖИЯНИМГА ИШОНЧНОМА БЕРА ОЛАМАНМИ?

Акам чет элга ишга кетишдан олдин ўз уйини тасарруф этиш учун менга ишончнома қолдирган эди. Ҳозир бу уйда синглимнинг ўғли, яъни жияним яшайпти. Мен унга ишончнома бероламанми?

Неъматжон Алиев, Бухоро вилояти.

— Аввало, «ишончнома» ҳуқуқий атамасини тушуниб олишимиз лозим. Бу сўз бир шахс иккинчи шахсга учинчи шахс олдида вакиллик қилиш учун берган ёзма ваколатни билдиради. Ишончнома бир томонлама битим бўлиб, вакил ўзига берилган ваколат доирасида иш олиб боради.

Нотариус бир шахс номидан бир кишига ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахсга ишончномани тузиб, нотариал гувоҳлантириб беради. Масалан, автомашина-

ни бошқариш учун бериладиган ишончнома бир кишидан бир ёки бир неча кишига берилиши мумкин.

Агарда ишончномада бошқа шахсга ваколат бериш ҳуқуқи ҳам кўрсатилган бўлса, биринчи шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун (Фуқаролик кодексининг 136-138-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари) иккинчи шахс учинчи шахсга ишончнома бериши мумкин. Бунда ваколатни бошқа шахсга беришга асос бўладиган ишончнома таҳдим

## ✓ САВОЛ-ЖАВОБ

қилиниши шарт. Учинчи шахсга берилган ишончномадаги ҳуқуқлар ва муддат асосий ишончноманикидан кўп бўлиши мумкин эмас.

Ишончнома берган шахс истаган вақтда уни бекор қилишга ҳақлидир. Худди шундай ишончнома берилган шахс ҳам ундан воз кечиши мумкин. Асосий шартноманинг бекор қилиниши ваколатни учинчи шахсга ўтказиш учун берилган ишончноманинг ҳам бекор қилинишига асос бўлади. Агарда ишончномада амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, у тузилган вақтдан бошлаб бир йил давомида ҳақиқий саналади.

Саволга Қорақўл тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Бахтиёр ШАРИПОВ жавоб берди.

## ДУНЁ ХАБАРЛАРИ • ДУНЁ ХАБАРЛАРИ • ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

САККИЗ ЙИЛ  
КУЛЛИКДА

Ўн яшарлигида ўғирлаб кетибли, саккиз йил тутқинликда яшаган қиз бошидан кечирган дахшатли кунларини ўзининг автобиографик асарида баён этди.

Австралиялик қизалоқ Наташа Кампуш 1998 йили мактабга кетаётганда ўғирлаб кетиб қолган. У Волфганг Прик-лопил қўлидан 2006 йил қочиб кутулган бўлса-да, бошидан ўтган қаро кунлар ҳақида мана энди оғиз очаяпти. Наташа «3096 кун» китобида чеккан машаққатларининг ҳамма-ҳаммаси ҳақида ёзган. Айниқса, озодликка эришиш учун қанчалик урингани хусусида мароқ ва изтироб билан сўзлаган... Ва ниҳоят, қулай имконият этиб келади, 2006 йил август ойида машинани тозалаётган Наташа «Хўжа»нинг телефонда гашлашаётган, гараждан узоқлашганини кўриб қолади ва «Ё ҳозир, ёки ҳеч қачон...» дея қочиб қолади. 44 яшар Волфганг Прик-лопил Наташанинг гойиб бўлганини сезгач, ўзини поезд тагида ташлади.

Ҳозир 22 ёшли собиқ асира

Австралия телевидениесига кўрсатув олиб борапти. Наташа ўзини тутқинликда сақлаган одамнинг ўлганидан хафалигини, ҳар қанча ёмон бўлмасин, у ҳам ҳаётининг бир парчасига айланиб қолганини айтган.

«ҲА» ДЕГАН ҲАМ,  
«ЙЎҚ» ДЕГАН ҲАМ  
ЮТДИ...

Туркияда конституцияга ўзгартириш киритиш бўйича ўтказилган референдумда 60 фоиз аҳоли ҳукуматнинг бу қарорини қўллаб-қувватлашини билдирган.

Туркия ҳукуматининг ишоничи-ча, бу мамлакатнинг Европа Иттифоқига қўшилиши томон ташлаган бир қадам бўлди. Мамлакат конституциясига 1980 йилдан буён ўзгартириш киритилмаганди.

Маълумотларга кўра, парламент ваколатлари, суд қончилиги ва бошқа масалаларга алоқадор ўзгартиришларга референдумда қатнашган аҳолининг 21,7 млн.дан ортиги ижобий, 15,8 млн.и қарши овоз берган. 720 мингдан зиёд бюллетен эса қонуний эмас деб топилган.

Бош вазир Тоййип Эрдоган «Ил-гор демократия йўлида бир довонни ошдик. Бунда «ҳа» деган ҳам, «йўқ» деган ҳам ютди», дея ўз мамнуниятини изҳор этди.

Европа Иттифоқи давлатлари

ҳам турк халқи қарорини қўллаб-қувватлаб, референдум натижаларига ишонч билдирди. Аммо ЕИ вакили давлатнинг суд тизимига таъсирини кучайтириш хавфлилигини таъкидлаб ўтди. Ўз навбатида, АҚШ президенти Барак Обама ҳам муваффақиятли референдум билан Тоййип Эрдогани табриклади.

ОТА-ОНАНГДАН ЁРДАМ  
ОЛАСАНМИ?

Ишли россияликларнинг 26 фоизи ота-оналаридан моддий ёрдам олиб тураркан. Superjob.ru порталида эълон қилинган социологик тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқда.

23 ёшгача бўлган ёшларнинг 42 фоизи ота-онаси кўмагидан фойдаланади. Молиявий мустақил бўлмаган кишилар бу ҳолатни уй-жой ёки таълим кредитини тўлаш зарурияти билан изоҳлайди.

Порталда ёзилишича, 62 фоиз ишлайдиганлар эса ота-онасига ёрдам берар экан. Уларнинг аксарияти ёши 50 дан ошган, ҳаётини бир маромга солиб олган кишилардир (38 фоиз), шунингдек, бу тоифа инсонларнинг 39 фоизини ойига 40–50 минг рубль топадиганлар ташкил этади. Аммо 18 фоиз аҳолигина ота-онасига доимий ёрдам кўрсатиб туришаркан.

Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

## АЖИБ ОЛАМ • АЖИБ ОЛАМ

## ШОДА-ШОДА МЕДАЛЛАР

Спорт соҳасида энг кўп медаль олган шахс россиялик машҳур гимнастикачи Николай Андрианов ҳисобланади. Энг қизиги, Николай бу медалларини спортнинг бир неча турлари бўйича кўлга киритган. Илк медалига ўн беш ёшида сазовор бўлган. Ушандан кейинги саккиз йил давомида эса кетма-кет саккизта олтин, олти та кумуш, ва тўртта бронза медалларини кўлга киритган.

Николай 1995 йилда ўз мамлакатида миллий чемпион бўлди ва шу йилнинг ўзида Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, учта олтин медаль билан тақдирланди. 1996 йилги ўйинларда эса енгил атлетика бўйича мусобақаларда иштирок этди ва ҳар бир мусобақада биттадан медаль соҳиби бўлди. Бутунжаҳон мусобақа турнирида эса у кураш бўйича голибликни кўлга киритиб, иккита кумуш ва от лойғасидаги иштироклар учун иккита бронза медалининг соҳиби бўлди. Москва олимпиада ўйинларида ҳам унинг омади келди. Николай бу олимпиадада турли мусобақаларда иштирок этиб, бешта медалини кўлга киритди. Кейинчалик эса унинг иштироки кутилаётган мусобақаларга қатнашини рад этиб, Японияга кўчиб кетди.

## ЮЗ СОАТЛИК РАҚС

Москвадаги «Точка» клубида дунёга ўзларини кўрсатиб қўйиш учун энг узоқ этган рақс бали ўтказилди. Москва шаҳридаги 15 та институтдан тақлиф этилган талабаларнинг ўттиз нафаригина бу марафонда қатнашини ихтиёр этдилар. Рақсга тушиш қулай бўлиши учун уларга янги кроссовка ва майкалар тақдим этилди. Тўрт кеча кундуз, яъни юз соат рақс тушган бу талабалар янги жаҳон рекордини ўрнатдилар. Бундан олдин Сочида ташкил этилган худди шундай мусобақада 55 соатлик натижа кўрсатилганди. Иштирокчилар ширинликлар билан сийланиб турилди. Улар ўзларининг бетакор рақслари билан кўпчиликини ҳайратга солганларидан баҳад хурсанд эдилар.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Нафосатнинг юраги ҳалқириб, тез-тез ура бошлади. Фарзандлари катта бўлиб қолган. У қанчалик шу фарзандни орзиқиб кутган эди. Абдусалим билан бахтиёр кунлари бу ҳақида неча бор гаплашишган эди. Аммо энди-чи? Ҳозир турса, икки фарзандни ким боқадди? Уларнинг ҳоли не кечади?

— Раҳмат. Аммо... мен... кечирасиз. Менга ҳозир бола керак эмас. Уни олдириб ташламоқчиман. Қанчага бўлади?

— Вой, анави аёлни қаранг. Одамлар фарзандга етиша олишмайди-ю?! Ахир, бу гуноҳку! Узингиз соппа-соғ бўлсангиз. Бўлажак фарзандингиз ҳам соғ. Янаям ўйлаб кўринг. Хўжайинингиз билан маслаҳатлашинг. Ўзи, ўглингиз борми?

— Бор. Илтимос, айтинг, аборт қанчага тушади?

Нафосатнинг Абдусалимга қилган кўнгирилари бесамар кетди. У ҳаётини алғов-далғов қилган, тўрт ой олдин кўкларга кўтариб, муҳаббат изорд этган аёлни унутган кўринарди. Ишхонасининг эшиги остида уч соатлар чамаси Абдусалимни кутган Нафосат унга ҳолатини тушунтириб, SMS хабар жўнатди. Орадан ярим соат вақт ўтар-ўтмас Абдусалим қайтиб кўнгироқ қилди.

— Нахотки рост бўлса? Алдамаяпсанми? Қаердасан? Ҳозир олдинга бораман.

Учрашув иккаласига ҳам қувонч бахш этмади. Абдусалим оиласини ташлаб кета олмаслигини тан олди.

— Аммо бу болани боқиш учун бор кучимни сарфлайман. — Аммо менинг икки фарзандим-чи? Уларни ким боқадди? Улар ҳам менинг фарзандим!

— Мен фақат. Хўш, унда нима қилмоқчисан?

— Аборт қилдирмоқчиман.

— Афсус. Мен нима ҳам дердим. Узинг биласан.

Абортдан сўнг бир ойгача

Нафосат ўзига кела олмай юрди. Тушига бот-бот ўзи умрига зомин бўлган ўғилчаси кирарди.

Шундан сўнг Абдусалим Нафосатникига яна кела бошлади. Аммо унинг фарзандларига кўришидан қочар, иложи борича улар уйда йўқлигида аёлдан ҳолаҳвол сўрарди. Орадан ойлар ўтди. Иккаласи ҳам ҳаёт из-

дим. Ҳозир бирпасдан сўнг олиб борарман.

Гўшақда қисқа гудоклар эшитилди. Нафосат бўшашиб меҳмонлар олдига кирди.

— Тинчликми? Кайфиятинг йўқ. Синглиси опасига ҳайрон бўлиб қаради.

— Ҳа, тинчлик. Қани дастурхонга қаранглар.

Шу куни Абдусалим кечроқ Нафосатникига келди. Бир яшиқ ўрикни машинадан ту-

қалбини яна бир бор жароҳатлагани эса ҳаёлига ҳам келмасди. Муносабатларга нуқта қўйиш учун қулай фурсат тез орада келди.

Нафосат билан учрашган Абдусалим аёлнинг қўл телефонидagi хабарларни ўқир экан, Анвардан келган табрикни ўқиб, авзойи бузилди. Чой қўйиб, дастурхон ёзиш таралдуғига тушган Нафосатга:

— Мен Анвар билан муносабатларингга ҳалақат бермай, — деди.

— Тушунмадим, — Нафосат ҳайрон бўлганича тунд кайфиятдаги Абдусалимга қаради.

— Телефонингдagi Анвар билан ёзишмаларингн ўқидим.

— Сиз билан яшамаётганимни билиб, тез-тез кўнгироқ қиладиган бўлиб қолди. Аммо сизга хиёнат қилганим йўқ.

— Ўзимга яраша гурурим, орим бор. Сенга жавоб. Уч талоқсан.

Нафосатнинг кўз олди қоронғилашди. Бўшашиб, диванга ўтирар экан, хўрлиги келди. Аммо гурури кўз ёшини шу кунгача ардоқлаб келган инсонига кўрсатишга йўл қўймади.

— Сиз гурур, ор ҳақида гапирдингиз. Оилангиз жанжалидан чалғиш учун мени, фарзандларимнинг ҳаётини ўйинчоқ қилдингиз. Бунчалик банд гапирман. Ҳақиқий эркаклик гурури билан ори ҳақидаги сўзларни билмасдан ишлатманг. Уларнинг маъносини билмас экансиз, изоҳли луғатни бир бор арақлаб кўрсангиз, яхши бўларди. Мен никоҳни муқаддас биламан. Сиздан фарқли ўлароқ, ҳеч кимни алдамасим, ҳаётини алғов-далғов қилмаман. Айбим, бахт учун интилангиз, оилангиз борлигини била туриб, сиз билан никоҳдан ўтишга рози бўлганим. Тугилмаган норасида гўдакни ҳаётига зомин бўлганим. Бунинг жазосини олишга тайёрман. Афсуски, севги кўзимни кўр қилган экан.

Абдусалим чўнтагидан 100 доллар чиқариб, Нафосатга тўтқазди. Ўзингга бирор нарса олиб, менга кўрсатарсан. Яна бир бор узр.

\*\*\*

Зилола билан тўлиқ муносабатларини тиклаб олган Абдусалимга энди Нафосатнинг кераги йўқ эди. Тинимсиз кўнгироқлари ҳам асабига тега бошлаганди. Нима бўлса ҳам, ундан қутилиш зарур эди. Кўнгли синган аёлнинг бахтига чанг солгани, кўнгли ўқсик фарзандларининг

СЎНГГИ  
ПУШАЙМОН

мига бўйсинишган, Нафосат энди тақдирга тан бериб, бор кучини ўз фарзандларининг тарбиясига қаратган эди.

\*\*\*

Бугун Нафосатнинг эрталабдан қувончи ичига сиймади. Тугилган кун. Бундан ташқари, Абдусалим билан никоҳдан ўтишганига бир йил тўлди. Албатта, Абдусалим акаси бундай кунда уни ёлғиз қолдирмас. Бошқа кунлари ишини баҳона қилиб, учрашувлари тобора сийраклашиб бормоқда эди. Эрталабдан яқинлари, ҳамкасбларидан табрик кўнгироқлари ва SMS хабарларини олган Нафосатнинг вақт ўтган сари кайфияти туша бошлади. Кун кеч бўлди ҳамки, севган инсонидан дарак бўлмади. Охири тоқати-тоқ бўлиб, ўзи унга кўнгироқ қилди.

— Ҳа, яхшимсан? Узр, олдингга ўтмоқчи эдим. Қишга ёпарсан деб ўрик олиб қўйган-

## ✓ БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

туфлиснинг боғичини боғлай бошлади.

— Менинг ҳам, сенинг ҳам болаларинг бор. Фақат мени қарғамасан бўлгани.

— Сизни худонинг ўзи қарғаб қўйган. Оилада ногирон фарзанднинг бўлишини ўзи бундан далолат. Худойимнинг ўзи жазо-ласин сизни.

Шарақлаб ёпилган эшик Нафосатнинг бошига оғир гурзи бўлиб урилди.

\*\*\*

Йиллар Абдусалимнинг қаддини букди. Ўзини голиб санаган Зилола эрини батамом менсимай қўйди. Энди уйда унинг айтгани айтган, дегани деган эди. Кунора жанжалдан безган Абдусалим фирмасининг офисида ётиб қоларди. Бунинг устига, ўғли ўғрилиқ билан қамалди.

Келини икки боласини олиб, отасиникига кетиб қолди. Турмушга узатган катта қизининг эри автохалокатда вафот этди. Кичиги ажрашиб, фарзандлари билан уйга келиб ўтирибди. Хотинида ҳам саратон касаллигининг белгилари топилиди. Шифокорлар унинг олти ой умри қолганини айтишяпти.

О, фалак! Нақадар бешафқатсан. Бандасининг айтгани бўлмас экан. Барча орзулар сароб, охири хароб экан. Инсоннинг ҳар би қадими ўлчовли, ҳисобли эканини билмади. Нахот буни олдинроқ тушунмади? Мана энди елиб-югуриб йиққан мол-дунёси ҳам кўнғил хотиржамлиги, фарзандларининг бахтини қайтариб бера олмаётди. Етим невараларининг кўнглини бутламаётди. Нима қилсин? Оҳини кимга айтсин?!

Абдусалим ҳаёлга толганча, ухлаётган ногирон ўғлига термилиб ўтирарди. Юраги сиқилиб, ўзини ёлғиз, ўта бахтсиз ҳис қилмоқда эди...

Наргис ҚОСИМОВА

(Тамом)

Жарроҳ эндигина мураккаб операциядан чиққан йигитнинг аҳволини тахлил қиларкан, кўзлари унинг умидвор нигоҳи билан тўқнашди.

— Сен кучли йигитсан, насиб этса, уч кунда оёқга туриб кетасан! Ишқилиб, бизни тўйга айтиш ёдингдан чиқмасин-а, ука, — дея беморнинг елкасига қўлини қўйди.

Йигитнинг кўзларига шуъла инди:

— Раҳмат!

Аҳматилла ака жарроҳлик либосларини ечиб, касалхона ҳовлисига чиқди. Теварак-атрофда барқ уриб ётган гулу чечаклар ифоридан тўйиб-тўйиб нафас олди. Борлигида бир енгиллик, кўтаринкиликни ҳис қилди: «Шукр! Яна бир инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинди! Одам ҳам гул мисоли — эътибор, парвариш бўлмаса, қурийдди. Бир чимдим меҳринга уни зиёну заҳматдан ҳимоялаб туради» — у ўзи эккан гулларга тикилиб ҳаялға толди.

...Раҳматли отаси — моҳир боғбон ва деҳқон Дўсбой ота «Гуллар инсонга қувват беради, гулни севган киши ёнидаги одамга ҳам бе-

га ишга келди. Сихатгоҳ тажрибали шифокорлар, олимлар маскани бўлиб, улар самолёт, машина ёки кемада энг узок ҳудудларга, ҳатто кўшни Афғонистонга ҳам бориб, оғир беморларга тиббий ёрдам кўрсатишарди. Тошкент, Самарқанд ва Москвадан олимлар чақир-

**ТИББИЁТ ФИДОЙИЛАРИ**

содиқ қолди. Дастлаб замонавий тиббиёт янгиликларини вилоят ҳудудида омалаштиришга интилди. Сихатгоҳдаги барча бўлимлар таъмирланиб, янги та-



Аҳиллик бор жойда муваффақият ҳам, хайр-барака ҳам бўлади.

хислаш, даволаш усуллари билан таъминланди. Айниқса, у уч қаватли жарроҳлик маркази биноси қурилиши тугагунча тиним билмади. «Сихатгоҳнинг кўринишиёқ беморнинг соғайиши учун биринчи муолажа бўлиши керак», деган қоидага қатъий амал қилган Аҳматилла ака ободончиликка жиддий эътибор қаратди. Шу боис бу ерда кишин-ёзин юздан ортиқ турдаги анвойи гуллар барқ уриб очилиб туради, ўттиздан зиёд мева-ли дарахтлар кўрki кўзи қувонтиради, мева-васи танга роҳат, сояси дилга ором беради. Бош ҳақим буларни руҳ озукаси, деса, ҳамкасблари, шогир-

либ, консилиумлар ташкил қилинарди. Бу жараёнлар Аҳматилланинг ҳаётида

дилга ором беради. Бош ҳақим буларни руҳ озукаси, деса, ҳамкасблари, шогир-

# АВВАЛО, РУҲ СОҒЛОМ БЎЛСИН!

фарқ бўлмайд», дерди доим. Шунданми, Аҳматилла акада ҳам кўчат экиб, боғ яратишга иштиёқ кучли. Хизмат кўрсатган ўрмончи сифатида танилган падари бузруквори Дўсбой Бегимов Термиз ўрмон хўжалигининг Таллимарон бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб юрган йилларида ҳамма фарзандларига ер илми, меҳнатнинг умидбахш манзили ҳақида сабоқ беришни унутмади. Онаси Хурсанд ая ҳам ҳаётлик пайтида ўғил-қизларининг «эл қорига ярайдиган одам» бўлишлари учун ҳамма шароитни яратишга ҳаракат қилди. Ота-оналарининг ишончларини оқлаган барча фарзандлар бу ибратли оилга муносиб бўлиб воғга етдилар. Аҳматилла мактабни аъло ба-

ҳам беиз кетмади, унинг етук жарроҳ бўлиши учун синов мактаби вазифасини ўтади.

Аҳматилла Дўсбоев шифохонада 12 йил жарроҳлик қилиши асносида ҳамма турдаги касалликлар муолажаси, айниқса, меъда ва ўзи икки бармоқли ичак яраси ёрилиши, жигар эхинококкоз касали, унинг йиринглаши, ҳар хил қурралар, ичакларнинг димланиб қолиши, суюқ, бўгин шикастланиши, сийдик тош касали, ўпка йиринглаши, ёрилиши ва ҳатто юрак жароҳатланишида ҳам мураккаб жарроҳлик муолажаларини амалга оширди. Шу орада у кўзга кўринган, тажрибали шифокор сифатида Жазоирга тиббиёт департаменти шифокорлари гуруҳида уч йил ишлаб келди. 1989 йили эса унга ишонч билдирилди — вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бош мутахассислиги — бош жарроҳлиги топширилди.

**Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод, Яхшидир ер юзин қилгандан обод...**



Бир олмағнинг икки юзи...

ҳоларга тугатиб, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди...

Шифокор бўлиш осон эмасди: кечакунду тинмай мутолаа қилиш, оғир машғулотлар, лаборатория ва шифохоналарга бориб тажриба ўрганиш, баъзан иқтисодий қийинчиликлар, гоҳо овқатланишни ҳам унутиб, тил ўрганиш учун мутахассисларга югуриш... Эҳ-хе, санаб адоғига етиб бўлмайдди. Аммо бу машаққатлар Аҳматиллага кейинчалик қувончу роҳат олиб келди. У тўртинчи босқичдан бошлаб малакали шифокорларга шогирд тушди. Жарроҳлик жараёнларида қатнашди. Сихатгоҳларда тунги навбатчи шифокорлик вазифасини бажарди, мутолаа қилишдан эринмади. Ниҳоят, институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, Сурхондарёга — 1-вилоят шифохонаси-

даҳларининг ихтирочилик таклифлари ва илмий ютуқларини бемор учун йўланган муқофот деб қабул қилади. Уларни матбуотда омалаштиришга, ҳаётга татиқ этишга уринади. Бунинг натижаси ўлароқ, жамоа чет эл гранти билан Германиянинг энг замонавий тиббиёт ускуналари кўлга киритиб, ортопедия ва травматик асоратларни даволаш ҳамда тахшислаш марказларига ўрнатди. 12 та туман ва 4 та шаҳар шифохоналарига ҳам тиббий, илмий-амалий ёрдам ва тажриба алмашиш жараёнлари йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир.

Йиллар шифокорни тоблади, янгиликлар сари чорлади. 2000 йил 1-вилоят шифохонаси бош шифокори лавозимига тайинланганида ҳам у ўз ақидасига

дларининг ихтирочилик таклифлари ва илмий ютуқларини бемор учун йўланган муқофот деб қабул қилади. Уларни матбуотда омалаштиришга, ҳаётга татиқ этишга уринади. Бунинг натижаси ўлароқ, жамоа чет эл гранти билан Германиянинг энг замонавий тиббиёт ускуналари кўлга киритиб, ортопедия ва травматик асоратларни даволаш ҳамда тахшислаш марказларига ўрнатди. 12 та туман ва 4 та шаҳар шифохоналарига ҳам тиббий, илмий-амалий ёрдам ва тажриба алмашиш жараёнлари йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир.

Аҳматилла ака эсини танибдики, «Бешикдан қабргача илм изла» деган ҳукматга амал қилади. Каттаю кичик ҳамкасбларининг фикрига қулқ тугади, ўрни келса маслаҳат сўрайди, билганларини эса улардан дариг тутмайди. Ваҳоланки, юздан ортиқ илмий ишлари, халқроқ анжуманларда сўзлаган маърузалари, махсус тиббиёт гезета-журналларида чоп этилган мақола-ларининг ўзиёқ Аҳматилла Дўсбоевнинг билимдон, кўп қиррали шифокор эканидан далолатдир. У ҳақда устози, таниқли шифокор Холмирза Хуррамов шундай дейди: «Аҳматилла Дўсбоев тиббиёт фанлари доктори К.Мадартов билан 4 та илмий иш, 12 та патент, 87 та илмий тезислар, Ш.Раупов билан бирга гезета-журналларда 20 га яқин илмий мақолалар эълон қилди, шифокорлар учун 8 та қўлланма, Ўзбекистон Фанлар академиясининг битта гранти ва ихтироси муаллифидир».

Фидойи инсон, Соғлиқни сақлаш аъlochиси, Афина (Греция) «Антик дунё» халқаро илмий академияси профессори Аҳматилла Дўсбоевнинг умр дафтарини варақларқасиб, уни тиббиёт оламинида ўз ўрнига эга шифокоргина эмас, оиллада ҳам суюқли умр йўлдоши, меҳрибон ота сифатида эътироф этсак арзийди. Рафиқаси тажрибали шифокор Соҳиба опа билан ўттиз йил аҳил ва иноқ яшаб, тўрт фарзандни вояга етказди. Уларни эл юкини елкасига оладиган инсонлар қилиб тарбиялади. Отасини танийдиганлар уни кўрганда: «Дўсбой Бегимга муносиб ўғил бўлибди-да Аҳматилла, барака топсин!» дейишарди. Фарзандга бундан-да баланд баҳо бўлмас. Зеро, отага раҳмат олиб берган инсоннинг элига барака келтириши муқаррардир!

Санобар **ФАҲРИДДИНОВА**, «Оила ва жамият» муҳбири. (т)



Бахтли бўлинг!

Учинчи фарзандимга ҳомиладор бўлганимда қайнғачим «Укам бечоранинг аҳволи ўзига яраша, неварани боқиб онам ҳам қийналиб кетди, сиздай ўғли, қизи борлар ҳомиласини аборт қилдириб ташлапти», дея насиҳат қилди. Қайнонам жуда болажон аёл эди. Улар «Жон болам, қизимнинг гапини кўнглингизга олманг, туғилажақ гўдақ ўз ризқ-насибаси билан дунёга келади. Бир этак неварам бўлса дея ниёт қилардим», деб кўнглимни кўтарарди. Бир куни қайнонам уйда йўқлигида қайнғачим келиб мени кўярда-қўймай дўхтирга олиб борди. Навбатим келганда фикримдан қайтдим. Уйга бир аҳволда кириб келдим. Барибир унинг зимдан ўтказган зўғумлари беиз кетмади. Қизим Наргиза ногирон, оёқлари қийшайиб туғилди. Унинг жовдираган кўзларида қувонч кўрай деб ўзимни ўтга, қўлдан кўрдим. Эримнинг ҳам иши юришиб, дангиллама уй-жой, машина — барига эришдик, лекин қизим... Қайнонам сўнги нафасида ҳам шу неваранинг кўнгли ярим, ундан меҳрларингни аяманглар, деб дунёдан ўтди.

Наргизанинг ёши 23 да. Маълумоти ўрта-махсус. Нуфузли ташкилотда хизмат қилади. Хушрўйгина, қўлигул чевар, пазанда. Ёшига мос, тақдир ўзиникига ўхшаш йигит учраса, узатмоқчимиз.

ҲАФИЗА хола, Тошкент шаҳри.

Онам Бекажонни овулимиздаги қизларнинг сараси, деб келинликка танлаган эди. Ушанда Тошкентда тиббиёт институтида ўқирдим. Уни бир кўришдаёқ ёқтириб қолганман. Рисоладагидек тўйимиз бўлди. Бизнинг ҳаётимизга ҳамманинг ҳаваси келарди. Бекажон мактабни аъло баҳоларга тугатгани учун онамнинг раъйига қараб, ҳужжатларини институтнинг сиртки бўлимига топширди. Иккинчи ўғлимиз туғилган йили эса ўқишни тугатди. Онам оилада мендан кўра кўпроқ келини билан маслаҳатлашиб иш юритишни хуш кўрарди. У ҳам уйим-жойим, болачакам дейдиган, бирни икки қиладиган уйдабурон аёл эди. Эрақ кишининг оиласидан кўнгли тинч бўлса, иши юришиб кетаверар экан. Бекажон фарзандларимизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Уларнинг ўқимишли бўлиши учун бир умр елиб-югурди. Афсуски, ҳар доим ҳам банданинг айтгани бўлавермас экан. У «Дадаси, нафақага чиққач, ҳар йили юртимизнинг энг сўлим жойларида дам оламиз», деб ниёт қиларди. Лекин қўтилмаганда бедаво дард орзуларини саробга айланттирди. Мана, ундан айрилганимга ҳам олти йил бўлди.

Ёшим 54 да. Маълумотим олий. Фарзандларим ўзидан тинган. Ёшимга мос, олий маълумотли, бефарзанд ёки битта қизчаси бор аёл бўлса, хабар берсаларингиз.

СУЛТОНБОЙ, Сурхондарё вилояти.

**ТАХРИРИЯТДАН:**

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (махалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

# КЎНГИЛ КЎЧИРМАЛАРИ

## ХАЁТ

Айтишларича, инсон умрининг бир кеча-кундузи 1440 дақиқани ташкил этаркан. Унинг атиги 40 дақиқаси қувонч, қолган 1400 дақиқаси ўқинчдан иборат эмиш. Инсоннинг ўзи ўқинчни севингча айлантириши лозим эмиш...

Қизиқ, нахотки қувонч учун атиги 40 дақиқа ажратилган бўлса? Бу сўзлар ё ёлгон, билмадим, лекин барибир мантиқ бирдай туюлди. Эҳтимол, бу синодир. Эҳтимол, инсонни ўз ҳаётини ўзи безаши учун ҳаракатга ундовдир. Инсонга бардош, ирода, сабр бежизга берилмагандир.

Қўз ўнгимда ўзидан бир неча баробар ортиқ юкни кўтариб кетаётган чумоли гавдаланади. Нафсиламбирини айтганда, инсон ҳам ўзидан неча ўн баробар оғир Ҳаёт деб аталмиш ташвишлар юкни елакка ортиб яшайди...

Бешик билан қабр орасидаги йўл бунчалар машаққатли бўлмаса?..

## СЎҚИР

Унинг кунлари фақат нолиб ўтаётди: гугурт бунча эди, бунча бўлди, со-

вун бунча эди, бунча бўлди. Ўғлимнинг пойабзали йиртилди, кизимга дарслик йўқ.

Аёлнинг қулогиди бир парча тилла



сирга осилиб турибди. Қўлида биллазуқ, эғнида эса энг сўнги русумдаги мато. Эрининг тағида «Дамас», ўғлида «Нексия»...

Одам ҳам шунчалар сўқир бўладими?

## ЖАЗО

У умид билан ўғил уйлантирди.

Ёлғиз боламнинг боши иккита бўлсин, деди. Қизим йўқ эди, қизим бўлсин деди. Уйим тўйсин, деди.

У орзусига етди, уйи тўлди. Боласининг боши иккита бўлди. Аммо... боласининг ўзи иккита бўлмади. Келини киз бўлмади, келини келинлигича қолди.

Орадан ой ўтди, йил ўтди. Қайнонани тан олмади келин. Қайнонага меҳр кўрсатмади келин. Боласини кўтариб онасиникига кетди, опасиникига кетди. Қайнона уй пойлаб, йўл пойлаб ўтираверди.

Тўй қилди она — бош-қош, опа — бош-қош. Ўз уйида бегона бўлди қайнона. Бир четда қолиб кетди қайнона. Уялди, дили оғриди, дили вайрон бўлди.

Бироқ, қарганмади, жанжал кўтармади. Ўғлимнинг жуфти ҳалоли, деди. Набираларимнинг онаси деди. Ўғлим хафа бўлмасин, деди. Боласини аяди.

Айтгани эса шу бўлди: «Унгин келин, ўсгин келин. Ўғлим билан қўша қаригин. Яхши гапим ҳам, ёмон гапим ҳам шу: келининг ўзингга ўхшасин, илоё».

Лола УРОҚОВА

## ОИЛАНИНГ «ТИЛ САНДИФИ»

**МАТАЛ** – Тилимизда тугал маъно ифодаламайдиган образли ибора, ҳикматли сўзга «матал» дейилади. Маталнинг мақолдан фарқи ҳам шунда, яъни унда тугал маъно берилмайди. Масалан, «қизил қор ёққанда», ёхуд «туянинг думи ерга текқанда» каби маталлар гап орасида келиб, маънони тўлдирмайди. Баъзи ўринларда бу сўз «кисса, масал» маъносида ҳам келади.

**ТУЗУК** – «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да таъкидланишича, «қонун-қоидалар тўплами», «низом» маъноларини англатган бу сўз эски ўзбек тилидаги «тартибга сол» деган маънони билдирган «туз» феълидан ҳосил қилинган. Масалан: **Амир Темур тузуқлари**. Шунингдек, бу сўзнинг «тўғри», «дуруст» деган иккинчи маъноси ҳам тилимизда бор.

**ЧАҚИРИМ** – Одам бақирганда овози етиб борадиган масофа, 1,06 километра тенг узунлик ўлчовига «чақирим» дейилган. Бу сўз эски ўзбек тилидаги «чақир» феълнинг «баланд овоз билан хабар етказ» деган маъносидан ҳосил қилинган. «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да «чақирим» сўзининг туб маъноси шундай изоҳланган.

**Тепалик биздан ярим чақиримча нарида бўлиб, ўнг ёни чуқур сойлик эди.**

Асқад Мухтор

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

# НИКОҲ НАЙРАНГНИ КЎТАРМАЙДИ

Орамизда шундай кимсалар ҳам борки, фурсат келди дегунча ўз манфаати учун йил этган нарсадан ҳам қинғирлик билан фойдаланади. Энг ёмони, бунинг оқибатида кимнингдир изтиробли кўз ёшлари тўкилади. Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида истиқомат қилувчи Ҳ. Нишонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) эса бир эмас, икки кишини алдашга ва бунинг устига қонунни ҳам «устамонлик» билан бузишга уринганлардан биридир. У 2009 йилнинг май ойида фуқаро О. Алимова билан қонуний никоҳдан ўтади. Ҳўш, бунинг нимаси чакки экан дерсиз. Аммо ҳамма гап шундаки, Ҳ. Нишонов илгари ҳам қонуний никоҳдан ўтган ва энг қизиғи, бу никоҳ бекор ҳам қилинмаган эди. Унда у бунинг уддасидан қандай чиқди экан? Гап шундаки фуқаро Ҳ. Нишонов 2007 йил 2 июнида Ш. Абдурасулова билан қонуний никоҳдан ўтган эди. Бу эр-хотиннинг ҳаётида қандай воқеалар содир бўлгану, Ҳ. Нишонов нима учун бошқа аёлга уйланишни ихтиёр этиб қолгани ҳақида тўхталиб ўтирмоқчи эмасмиз. Фақат қизиғи шундаки, Ҳ. Нишонов ўзининг фуқаролик паспортини 25 ёшга тўлганлиги муносабати билан алмаштиришга берган, янгиланган паспортга эса оилавий ҳолати ҳақидаги қайдларни қайта қўйдирмаган. Ва у ана шундай, ҳали уйланмаган буйдоқ йигит каби бошқа бир аёл билан қонуний никоҳдан ўтишга эришган ҳам.

Жавобгар Ҳ. Нишонов суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида бир неча марта тегишли тартибда хабардор этилишига қарамай, ушбу жараёнга келмагани сабабли суд Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 224-мод-

дасига асосан ишни Ҳ. Нишоновга нисбатан сиртдан қўриб чиқиб, унинг айна пайтадаги никоҳини ҳақиқий эмас деб топди. Чунки, мазкур ҳолат юзасидан аниқланган маълумотларга кўра, Пахтачи туман ФХД бўлимига 2009 йил 5 мартда жавобгар Ҳ. Нишонов О. Алимова билан никоҳдан ўтиш тўғрисида ариза билан мурожаат этган. 2009 йил 11 мартда уларнинг ўрталаридаги никоҳ О. Алимова ҳомиладорлиги сабабли никоҳга кириш муддати қисқартирилиб, қонуний расмийлаштирилган. Аммо жавобгар Ҳ. Нишоновнинг Ш. Абдурасулова билан 2007 йил 2 июнда никоҳи расмийлаштирилганлигига кўра, «уддабурон» эр бир вақтининг ўзида О. Алимова билан ҳам қонуний никоҳдан ўтишга уринган ва бунинг уддасидан чиққан...

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддаси талабига кўра, лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳ тузишга монелик қилади. Ушбу кодекснинг 50-моддасида никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибда амалга оширилиши белгилаб берилган. Узининг фуқаролик паспортига нисбатан эътиборсизлиги етмагандек, аксинча бу вазиятдан тезроқ ўз манфаатини амалга оширишга, яъни хотинбозлигини қонунан хас-пўшлага урингани учун Ҳ. Нишонов тегишли жазосини олди.

**Байрамали НОРОВ, Каттақўрғон туманларо судининг раиси.**

## СПОРТ

### КЛИЧКОНИНГ 55-ФАЛАБАСИ

Боксининг IBF, WBO ва IBO версиялари бўйича жаҳон чемпиони украиналик Владимир Кличко IBO йўналиши бўйича чемпионлик камарини ҳимоя қилди.



Кичик Кличконинг бу галги рақиб профессионал бокс оламида ўз нуфузига эга бўлган нигериялик Самуэль Питер бўлди. Владимир жангнинг фаол бошлаб, 10-раундда баҳайбат Питерни нокаутга учратди. Бундан беш йил олдин ҳам Самуэль Кличкодан мағлуб бўлган эди. Бу ғалаба украиналик боксчининг 55-ғалабаси бўлса, шу пайтгача 34 ғалаба, 3 марта мағлубиятга учраган Самуэль Питер тўртинчи мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди.

### КЛИЙСТЕРС КУБОК ЭГАСИ

Теннис оламида нуфузли мусобақалардан бири, умумий жамғармаси 15 916 000 долларга эга бўлган, Катта Шлем туркумига кирувчи «US Open» турнири ўзининг якуний палласига яқинлашмоқда. Аёллар ўртасида бўлиб ўтган финалда мусобақанинг ўтган йилги ғолиби, бельгиялик Ким Клийстерс россиялик Вера Звонарёва билан рўбару келди.



2:6 1:6 ҳисобида устун келган Ким Клийстерс иккинчи марта ушбу турнирнинг ғолибасига айланди.

Эркалар ўртасидаги баҳслар ҳам муросасиз кечмоқда. Дунёнинг 1-рақамли ракетка устаси Рафаэль Надаль россиялик Михаил Южньини мағлуб этиб, финалга йўл олган бўлса, халқаро теннис рейтингига 3-поғонада бораётган сербиялик Новак Жоквич ўзидан бир поғона баландда турган Роджер Федерерни финалга чиқди ҳуқуқидан маҳрум этди. Шундай қилиб, теннис рейтингининг биринчи ва учинчи поғонасидаги теннисчилар финалда учрашишди.

**Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 16:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 700000

Амир Темур кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: Олой

бозори ёнида

**ОБУНА ИНДЕКСИ – 176**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Бюро-ма Г – 832. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 8284.

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ  
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусахҳиҳлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Мафтуна МИНГБОВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 5